

Бизлар ким имзо чекиб шартнома тузувчилар келгусида «Сотувчи» деб аталувчи «Отабоев Рустам Сотиболдиевич» Ойларий тadbirkor раҳбари Р.С.Отабоев бир томондан ва келгусида «Сотиб олувчи» деб аталувчи Фирдавс Вал Нуржониевич уз Низоми асосида фаолият юритувчи раҳбари Бекр. К. Саттаров ушбу шартномани имзолаш билан куйидагилар келишилди.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 «Сотувчи» ушбу шартномага асосан «Сотиб олувчи» ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги қандолат маҳсулотларини етказиб беради, «Сотиб олувчи» етказиб берилган қандолат маҳсулотларни қабул қилиб олиб, тўлов ҳужжатларини амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштириб, харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар доирасида белгиланган тартибда амалга оширади.

N:	Маҳсулот номи	Ул. бир	Миқдор	Нархи	ҚҚС	Суммаси
	<u>перчатки</u>	<u>ш</u>	<u>300</u>	<u>14000</u>	<u>-</u>	<u>4200000</u>
Жами:						<u>4200000</u>

I. ШАРТНОМА БАҲОСИ, МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1 Мазкур шартноманинг умумий қиймати Тўрт миллион сўми ташкил этади. Хар-қил турдаги қандолат маҳсулотлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан юборилган нархлардан ошмаган ҳолда «Сотувчи» томонидан етказиб берилади.

2.2 «Сотувчи» билан «Сотиб олувчи» ўртасида хар ойнинг бошида «Сотиб олувчи»нинг ёзма талабномасидан келиб чиқиб, етказиб бериладиган қандолат маҳсулотларининг миқдори ва нархини келишуви имзоланади ҳамда ушбу келишувлар мазкур шартноманинг узвий қисми ҳисобланади.

2.3 «Сотиб олувчи»га қандолат маҳсулотлари «Сотувчи»нинг транспортда 30 (уттиз) кун муддат ичида етказиб берилади ёки уз транспортда олиб кетади.

2.4 «Сотиб олувчи» тегишли даврда оладиган қандолат маҳсулотлари учун амалдаги қонунчиликда кўрсатилган миқдордан кам бўлмаган миқдорда аванс тўловини олдиндан «Сотувчи» ҳисоб-рақамига ўтказиб беради.

2.5 «Сотувчи» тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва муддатларда қандолат маҳсулотларини етказиб беради.

2.6 «Сотиб олувчи» «Сотувчи» тақдим этган ҳужжатларга асосан узил-кесил ҳисоб-китобни ўзаро келишилган муддатларда «Сотувчи» ҳисоб-рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

2.7 «Сотувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га мазкур шартноманинг умумий қийматидан ортиқ суммада қандолат маҳсулотлари етказиб берилган ҳолатларда, шартнома умумий суммасидан ортиқ қисми учун «Сотиб олувчи» томонидан қўшимча келишуви шартномаси тузилади.

2.8 «Сотиб олувчи» «Сотувчи»га олинадиган товарининг 30 (уттиз) фоиз ҳақини олдиндан ўтказиб беради, товарнинг қолган суммасини 30 иш куни мобайнида кечиктирмай тулик тўловини таъминлайди.

III. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИЛИШИ

3.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

3.2 «Сотиб олувчи» томонидан талабномани қандолат маҳсулотларининг тегишли туркумлари етказиб беришнинг мўлжалланаётган санасигача камида 3 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Талабномани чопар орқали қабул қилишда «Сотувчи»нинг ходими «Сотиб олувчи»га қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

3.3. «Сотиб олувчи» илгари берилган талабномани бекор қилишга ёхуд қандолат маҳсулотларининг тегишли туркумлари етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Сотувчи»ни талабномада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

3.4. «Сотиб олувчи» муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган қандолат маҳсулотларини қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

3.5. «Сотиб олувчи» «Сотувчи» томонидан қандолат маҳсулотлари ўз вақтида етказиб берилмаган ёки сифатсиз маҳсулотлар етказиб берилган ҳолатларда шартномани «Сотувчи» ни ёзма хабардор қилган ҳолда бир томонлама бекор қилиши мумкин. Қолган ҳолатларда шартнома шартларига тегишли ўзгартиришлар томонларнинг ўзаро қўшимча келишувларига мувофиқ киритилади.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

«Сотувчи»нинг мажбуриятлари:

4.1 «Сотувчи» етказиб бериладиган маҳсулот сифатини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъёрларга мувофиқ бўлишини ҳамда тегишли сифат сертификати ёки таҳлил (текшириш) баёнига эга бўлишини ва ўзаро келишилган миқдорда бўлишини таъминлайди.

4.2 «Сотиб олувчи»га қандолат маҳсулотларини етказиб бериш вақтида тегишли сифат сертификат ёки таҳлил (текшириш) баёни нусхасини тақдим этади.

4.3 «Сотиб олувчи» томонидан сотиб олинган маҳсулотларига 3 ой муддат утгандан сунг нарх-наво ва сифатига булган даво «Сотувчи» томонидан қабул қилинмайди.

4.4 Қандолат маҳсулотларини қабул қилиб олиш вақтида аниқланган камчиликларни «Сотиб олувчи» талабига мувофиқ 3 кунлик муддатда бартараф этади.

«Сотиб олувчи»нинг мажбуриятлари:

4.5 Ўз талабномаси бўйича етказиб берилган қандолат маҳсулотларини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;